

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ЁШ ОФИЦЕРЛАР!

ФВВ Академиясида битирувчи курсантларга диплом ва “лейтенант” ҳарбий унвонини топшириш тантанали тадбири ўтказилди. Унда Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор Абдулла Қўлдошев, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, масъул ходимлари, Академия профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилар ва курсантлар, вазирлик матбуот хизмати ходимлари, шунингдек, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда вазир генерал-майор Абдулла Қўлдошев ҳамда Академия бошлиғи генерал-полковник Қобул Бердиевлар сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунлар юртимизда олий маълумотли мутахассис кадрларни ҳар томонлама етук, масъулият ва бурчини чуқур ҳис қиладиган ҳамда ўз касбини севиб ардоқлайдиган, фидойи инсонлар этиб тарбиялаш учун кенг имкониятлар яратиб бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва баргараф этишнинг самарали тизимини яратиш буйича 8 та устувор йўналиш белгиланганлигини эътироф этдилар.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик

илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ушбу ислохотлар жараёнида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласига қаратилган эътиборни ҳам қайд этиб ўтиш жоиз.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва баргараф этиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги фармони муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжат бугунги кунда мустақил Ватанимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, дунё мамлакатлари орасида юртимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бориши, фар-



зандларимизнинг интеллектуал салоҳият эгаси, ўз касбининг моҳир устаси, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод бўлиб етишишлари учун асос бўлиб хизмат қилади, албатта.

Тадбирда битирувчиларга диплом ва “лейтенант” ҳарбий унвони генераллар томонидан тантанали равишда топширилди. Ҳа, ёш офицер учун генерал қўлидан диплом ва ҳарбий унвон олиш катта ишонч ва фахр-ифтихор десак, муболага бўлмайди. Бу лаҳзалар уларнинг ҳаётида бир умрлик олтин саҳифалар бўлиб қолади. Мазкур ўқув йилида “Ёнгин хавфсизлиги” ва “Техносфера хавфсизлиги”

мутахассисликлари буйича таҳсил олган 150 нафар битирувчидан 5 нафари ФВВ Академиясини имтиёзли диплом билан тамомлади.

Тантана давомида сўзга чиққан битирувчилар ва уларнинг ота-оналари, таклиф этилган меҳмонлар ўзларининг ҳис-ҳаяжонга тўла тилаklarини изҳор этиб, ёш офицерларни санимий қўлладилар ва уларга шарафли хизмат йўлида муваффақиятлар тиладилар.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ФВВ Академияси катта
ўқитувчиси, майор.

ҲАЁТ УЧУН 21 СОАТ

6 ёшли болакай 25 метрлик қудуқдан олиб чиқилди

Ҳаёт бир марта бериладиган неъмат. Инсон бу оламга бир марта келади. Аммо минг афсуски, ана шундай бебаҳо неъматни баъзан биргина лоқайдлик ёки бепарволик сабаб йўқотамиз ёки йўқотишимизга бир баҳя қолади. Аслида ҳаёт гулини асраб қолишда лаҳзадан-да кам вақтнинг ўзи ё кўплик ё озлик қилади...

Ҳозир сиз азизларга ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз ҳаётининг бир воқеа, умид қиламизки, барчангизни хушёр торттиради ва огоҳлик, хушёрлик кўзларини каттароқ очади...

2022 йил 12 июнь... Соат чамаси 14:01... Қашқадарё вилояти ФВВ навбатчи диспетчерлик хизмати телефони аввалгиларга ўхшамаган, ғалати бир ташвишдан дарак бергандай жиринглади...

Маълум бўлдики, Чироқчи тумани “Лангар” МФЙ Лангар қишлоғида яшовчи фуқаронинг 6 ёшли ўғли ўзига тегишли бўлган дала майдонида қазилган, диаметри 290 мм, чуқурлиги 25 метрдан иборат сувсиз артезиан қудуғига тушиб кетган.

Шунга ўхшаш воқеа бундан роппа-роса 10 йил олдин Тошкент вилояти Қибрай туманида юз берган. Унда 2 ёшли Муҳаммадқодир исмли болакай нақ 40 метрга яқин шундай қудуққа тушиб кетади ва тақдир тақазоси билан олти метрдан сўнг қудуқ деворига илашиб, тўхтаб қолади. Ҳозирда ФВВ Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари подполковник Жаҳонгир Ҳасанов ушунда катта лейтенант ҳарбий унвонида вазирлик Тез ҳаракат қилиш махсус отряди командири вазифасида бўлиб, шахсан унинг бошчилигида вазирлик халоскорлари ва бир гуруҳ фуқаролар жасорат кўрсатиб, болакаини қудуқ ичидан

соғ-омон олиб чиққан эдилар. Бугун шу каби ҳолат яна қайд этилмоқда. Уни хайрли баргараф этиш учун эса халоскорларимиздан янги куч ва шижоат талаб қилинади, албатта.

Бу воқеа Марокаш давлатида бўлган воқеани бирдан ёдга солди. Ушунда чет эллик қутқарувчилар қанча машаққатлар билан болакайга етиб борганларида, у омонатгина жонини Яратганга топширган эди. Бутун дунё оҳ уриб юборганди ушунда. Энди Ўзбекистонлик қутқарувчилар олдида ана шундай синов турибди. Хўш, улар бу қалтис ва қийин вазифани удралайдиларми ёки чет эллик қутқарувчилар каби афсус-надоматда қоладиларми?!

Зудлик билан ишга киришилди. Режалар аниқ белгиланиши, ҳисоб-китоблар пухта ишлаб чиқилиши зарур... Адашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки дўзахнинг ўрасидай қоронғу зулмат тубида чорасиз ҳолатда бир бегуноҳ, фариштадай пок юрак уриб турибди...

Қутқарувчилар зудлик билан воқеа жойига етиб бордилар. Урганишлар шуни кўрсатдики, болажон қудуқнинг айнан тубида, яъни 25 метр чуқурликда тирик ҳолда турибди. Яхшиларнинг бориға шуқур, маҳаллий аҳоли қараб ўтирмай, компрессор ёрдамида шланг орқали болакайга ҳаво юбориб турибди.

Дарҳол маҳалла раиси, профилактика инспектори, ҳоким ёрдамчиси чақиртирилиб, вақтинчалик штаб ташкил этилди. Шундан сўнг ҳолат ҳақида вилоят ФВВ бошлиғи, туман ҳокими – Фуқаро муҳофазаси бошлиғига, туман прокурори ИИБ бошлиғига ахборот берилди ҳамда туман ҳокимининг топшириғига асосан махсус техника ва куч-воситалар воқеа жойига сафарбар қилинди. Туман ИИБ бошлиғи, прокурори, туман ҳокими ҳамда вилоят прокурори, вилоят ФВВ бошлиғи ва унинг биринчи ўринбосари, Қарши ҳарбий прокурори воқеа жойига етиб келдилар.

Вилоят ФВВ бошлиғи томонидан шу кун соат 14:15 ларда Махсус вазифаларни бажарувчи минтақавий қутқарув отрядини Чироқчи туман “Лангар” МФЙ Лангар қишлоғига юбориш буйича бошқарма тезкор навбатчилик қисмига топшириқ берилди.

(Давоми 5-бетда)

МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари, бунга масъул давлат органлари ва давлат муассасалари, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари қонун билан тартибга солинган.

Жумладан, давлат органлари ва давлат муассасаларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги янги таҳрирдаги қонуни билан тартибга солинган бўлиб, унга кўра мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкинлиги ҳамда аризалар, таклифлар ва шикоятлар туридан иборатлиги белгиланган.

Мазкур қонунда жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш юзасидан бир қатор талаблар қўйилган бўлиб, унга кўра, жисмоний шахсларнинг мурожаатида унинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, юридик шахсларнинг мурожаатида эса юридик шахсларнинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Мурожаатлар кўриб чиқилгач, бу ҳақда мурожаат қилувчига давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан имзоланган ёзма ёки электрон шаклда дарҳол хабар юборилади. Шунингдек, мурожаатларга жавоблар мумкин қадар мурожаат этилган тилда баён қилинади.

Бундан ташқари, мурожаатлар кўриб чиқилмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра аноним мурожаатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, агарда уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўриб чиқилмайди. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

Шу билан бирга, мурожаатларни кўриб чиқиш кўйидаги ҳолатларда тугатилиши кўрсатилган, хусусан, агар такрорий мурожаатларда янги ваҳд ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тула-тукис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса, шунингдек, агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда қақриб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса, бундан ташқари яшаш жойи, турган жойи электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги тўғрисида қақришнинг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда ҳамда мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан қақриланган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда, агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса қўлланилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, мамлакатимизда барча жисмоний ва юридик шахслар давлат органлари ва давлат муассасаларига мурожаат қилиши мумкинлиги, бирон-бир мурожаат асосиз равишда кўрилмасдан қолмаслиги қонун билан белгиланган.

У.ДАУБАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ходими, адлия капитани.

ҲАРБИЙЛАР ОИЛАСИ – ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги ҳамкорлигида Тошкент вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида сайёр қабул ўтказилди.



Қабулда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи Г.Турсунова, прокурор катта ёрдамчиси О.Юльбарсов, Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонининг тарбиявий ва мафкуравий ишлари бўйича ўринбосари Д.Усмонов ҳамда жалб этилган мутасадди идора ва турли соҳа мутахассислари томонидан 75 нафардан ортиқ шахсларнинг 43 та мурожаати қабул қилинди.

Мурожаатларнинг 30 тасига қонуний тушунтириш берилди, ўрганиш учун қўшимча вақт талаб этадиган 5 та мурожаат назоратга олинган ҳолда тегишли мутасадди идораларга йўналтирилди, 8 та мурожаат эса жойида ҳал этилиб, қаноатлантирилди.

Шу билан бирга, аҳолининг репродуктив саломатлигини асраш мақсадида Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси малакали шифокорлари томонидан ушбу ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Куннинг иккинчи ярмида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар кургазмалари намойиш этилди.

Лочин ҚУРБОНБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим катта ҳарбий прокурори, адлия катта лейтенанти.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Бўстонлиқ тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ҳамкорлигида "SOKOL" болалар ёзги дам олиш оромгоҳида профилактик тадбир ўтказилди.

ОРОМГОҲДА ТАДБИР



Шунингдек, тадбирда оромгоҳ тарбияланувчилари ўт ўчириш ускуналарини бевосита ўзлари ишлашиб, амалда синаб кўрдилар.

Тадбир якунида ҳарбий прокуратура ходими ва мутахассислар томонидан оромгоҳнинг ёнғин хавфсизлиги аҳоли ўрганилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Унда туман ФВ бўлими мутахассислари ёнғин ўчириш техникалари ва ускуналари билан иштирок этиб, болаларга фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш, ўт ўчириш ускуналарини амалда қўллаш, сувда чўкиш билан боғлиқ вазиятларда жабрланувчини қутқариш ва биринчи ёрдам кўрсатиш, чўмилиш жараёнида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш хусусида амалий ҳаракатларни намойиш этиб, батафсил маълумотлар бердилар.

Шундан сўнг Чорбоғ ёнғин-қутқарув отряди мутахассислари билан "Чорбоғ" оромгоҳида кичик ҳажмли кема ҳайдовчилари ҳамда дам олувчилар билан чўмилиш ҳавзаларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш бўйича тушунтиришлар ўтказилди.

Сардор ЁРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги.

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳарбий прокуратура органларининг фаолият йўналишидаги асосий вазифаларидан бири ҳисобланиб, Қарши ҳарбий прокуратураси томонидан ушбу йўналишда мўайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, ҳарбий хизматчиларнинг иш билан банд бўлмаган оила аъзолари, Қарши шаҳрида яшовчи иш билан банд бўлмаган фуқаролар, олий ва ўрта таълим муассасаларини тугатган ҳамда ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиш мақсадида, Қарши ҳарбий прокуратураси, шаҳар прокуратураси ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникиси биносида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ушбу тадбирда Қарши шаҳрида фаолият олиб бораётган 78 та ташкилот ва корхоналар ўзларининг 548 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Ярмаркага ташриф буюрган 147 нафар фуқародан 8 нафарига бўш иш ўринларига ва 25 нафарига Қарши шаҳридаги касб-хунар ўқитиш марказидаги тикувчилик, компьютер, пайвандчилик йўналишлари бўйича ўқув курсларига йўлланмалар берилган бўлса, 5 нафар фуқаро ўз мутахассислиги бўйича иш топгунига қадар Қарши шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан иш қидирувчи сифатида рўйхатдан олинди ва уларга ишсизлик нафақаси тайинланиши белгиланди.

Шунингдек, ярмарка иштирокчилари орасидан тадбиркорликни бошлаш истагини



билдирган фуқароларга "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида" ги Низом талабларига мувофиқ имтиёзлар берилиб, 17 нафар фуқарога тикув машинаси, 3 нафар фуқарога пайвандлаш асбоб-ускунаси ва 1 нафар фуқарога пишириқ печи топширилди.

Шу билан бирга, 78 нафар фуқарога амалдаги меҳнат қонунчилиги ва тадбиркорлик фаолияти ҳақида тушунчалар ҳамда хорижий давлатларда меҳнат қилиш тартиб-таомили ва Ташқи меҳнат миграцияси хусусида ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Шоҳруҳ ВАҲОБОВ,
Қарши ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия майори.

ФВВ тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, оммавий сайёр қабуллар, фуқаролар билан очик мулоқотни кенгайтириш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИ



Наманган вилояти ФВБда Наманган ҳарбий прокуратураси ходими адлия капитани Ж.Ҳакимов ҳамда вилоят ФВБ бошлиғи ўринбосари подполковник У.Бобожоновлар томонидан бошқарма тизимида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи ва хизматчилар ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинди.

Қабулда иштирок этган 32 нафардан

ортиқ ишчи-хизматчи, жисмоний ва юридик шахслар вакиллари мурожаатлари қабул қилиниб, уларнинг 25 тасига қонуний тушунтириш берилди. Ҳаммаи учун қўшимча вақт талаб этадиган 5 та мурожаат куриб чиқилиб, қонуний ҳал этиш учун қабул қилинди. 2 та мурожаат эса жойида ҳал этилиб, қансатлантирилди.

Тадбир давомида иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоблар берилди.

Комилжон Жўрабаев,
Наманган ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия подполковниги.

Рустам Эгамбердиев, Наманган вилояти ФВБ етакчи мутахассиси.

Фавқулодда вазиятлар вазирининг тегишли буйруғига асосан, “Навоий кон-металлургия комбинати” Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази ходимлари – полковник Азизбек Ҳасанов, шунингдек, катта сержантлар Марлен Муродов ва Эркин Тошовлар нафақага кузатилди.

НАФАҚАГА КУЗАТУВ



Марказ мажлислар залида бўлиб ўтган кузатув тадбирида бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва марказ раҳбарияти томонидан нафақага кузатилаётган ходимлар ҳақида илиқ сўзлар айтилди.

Сўзга чиққанлар хизмат қилган даврларидаги таассуротлари билан ўртоқлашиб, фавқулодда вазиятлар тизимида кўп йиллар намунали хизмат қилганликлари ва уларнинг садоқатли хизматлари бир неча маротаба давлатимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан эътироф этилганлигини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Ўз навбатида, иштирокчилар нафақага кузатилаётган ҳамкасбларига мустаҳкам саломатлик, омад ва муваффақиятлар тиладилар.

Маъруфжон Хайитов,
НКМК Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

ФВВ Академияси ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида бошланғич тайёргарлик ўқув курсига жалб этилган ёнғин-қутқарув кутқарувчилари билан руҳий тайёргарликнинг оловли йўлакчасида машғулот ўтказилди.



қилиш қоидаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Ёнғин-қутқарув ходимларининг касбий ҳамда руҳий тайёргарлигини оширишга асосий эътибор қаратилди.

А.ҚОБУЛОВ, подполковник,
Ш.АҲМЕДОВ, подполковник, Марказ цикл бошлиқлари.

МАВСУМ БЕХАТАР ЎТСИН

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ва туман ташқарисида жойлашган ёзги дам олиш оромгоҳларида болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Хусусан, оромгоҳларнинг ётоқхона, омборхона ҳамда ёрдамчи биноларидаги том устки ёғоч қурилмаларига тез ёниш хусусиятини пасайтирувчи кимёвий суюқлик билан ишлов берилди, оромгоҳлар ҳудудидаги ёнғинга қарши сув ҳо-вузлари сув билан тўлдирилиб, “МП” русумли сув тортиш насоси ва енг дастаклар билан таъминланди.

Шунингдек, оромгоҳларда ёнғин профилактика кўриқлари ва ёнғин-техник текширувлари ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартаараф этиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Ф.ШОЙМАРДОНОВ,
Сурхондарё вилояти ФВБ етакчи мутахассиси.
А.ПАРДАЕВ, Шеробод тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник.



ТУБСИЗ ЖАРЛИК

Гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, сотиш оғир жиноят. Ҳар йили бу “заҳри қотил” туфайли қанчалаб одамлар дунёдан кўз юммоқда, қанчаси ногирон бўлиб қолмоқда, яна қанчаси қамалиб кетмоқда.

Афсуски, бундан хулоса чиқармайдиганлар ҳамон учрамоқда. Судланганларнинг қарийб ҳаммаси гиёҳвандликнинг оғир жиноят эканлигини яхши билса-да жирканч ишга қўл ураётганлиги афсусландир.

Х.Қ. ўтган йилнинг 10 сентябрь куни икки шериги билан кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш режасини тузишди. Шу мақсадда у ўзининг бошқарувида бўлган автомашинанинг орқа ўриндиқ ва газ баллон ускунаси орасига 477 дона кучли таъсир қилувчи “Тропикамид” моддасини жойлаштириб, водийдан қайдасан Тошкент, деб йўл олишди. Мақсад пойтахтдаги мижозларга “заҳри қотил”ни сотиш эди. Бироз ҳадик, ҳаяжон ва пул топиш орзусида келаётганда, уларни Бектемир туманида жойлашган “Шарқ” йўл-патрул масканида тўхтади. Шубҳали йўловчилар ўтирган машинанинг юкхонаси кўздан кечирилганда икки дона қора полиэтилен пакет ичида оз эмас, кўп эмас 477 дона кучли таъсир қилувчи “Тропикамид” моддаси борлиги аниқланиб, ҳолислар иштирокида расмийлаштирилди. Экспертиза хулосасига асосан, Х.Қ. ва унинг

шерикларидан олинган 477 дона елим флакондаги суюқлик таркибида “Тропикамид” моддаси бўлиб, унинг оғирлиги 47,7 граммни ташкил қилган. Елим флакондаги суюқлик кучли таъсир қилувчи модда экан.

Судланувчиларнинг олдиндан тил бириктириб, кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш режаси шу тариқа амалга ошмай қолди. Агарда улар олиб келган “Тропикамид” моддаси ўзгалар қўлига ўтиб, сотилганда эди, қанчалаб йигит-қизлар балога дуч келишарди. Бедаво, жирканч ишга қўл уришарди. Ҳайриятки, унинг олди олинди.

Суд судланувчиларга жазо тайинлашда оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрорлигини ва бошқа жиҳатларини эътиборга олди.

Суднинг ҳукми билан Х.Қ. ва унинг икки нафар шеригининг ҳар бири 7 (етти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Далилий ашё сифатида олинган 477 дона кучли таъсир қилувчи “Тропикамид” моддаси эса йўқ қилинди.

“Қора дори”нинг касофати уларни ана шу манзилга етаклади. Айни куч-қувватга тўлган, меҳнат қилиб чарчамайдиган даврида улар энди кўп нарсдан маҳрум.

Фарҳод Абдушукуров,
жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг судьяси.

Божхоначилар томонидан аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамасдан мамлакатимизга хориждан заргарлик буюмларини белгиланган меъёрдан ортиқча олиб келиш ҳолатлари учрамоқда.

ЖИНОЯТГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Жумладан, “Истанбул-Самарқанд” йўналишидаги авиарейс билан Самарқанд халқаро аэропортига учиб келган фуқаро Н.Т.нинг багаж сумкасида йўловчи божхона декларациясига ёзилмаган қиймати 110,4 миллион сўмлик 240 грамм заргарлик буюмлари борлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Самарқанд вилояти Божхона бошқармаси томонидан жорий йилнинг январь-май ойлари давомида қиймати 361 миллион сўмдан зиёд 1 килограммга яқин заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб килишига чек қўйилди.

Самарқанд вилояти Божхона бошқармаси ахборот хизмати.

NURLANISH MANBASINI ANIQLANGANDA...

Surxondaryo viloyati Sariosiyo tumani Sariosiyo Davlat chegara-bojxona postida "Sanksiyalanmagan ionlashtiruvchi nurlanish manbalari topilishi bilan bog'liq avariyaning bartaraf etishda FVDT xizmatlari va huquqni muhofaza qiluvchi idoralarning hamkorlikdagi harakatlari" mavzusida maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.



O'quv mashqi davomida chegara bojxona posti orqali kirib kelgan avtotransport vositasini radiometrik qurilma orqali tekshiruvdan o'tkazish, noma'lum ionlashtiruvchi nurlanish manbasini aniqlanganda Sariosiyo Davlat chegara-bojxona posti avtomobil chegara bojxona posti mas'ul xodimlari FVDT xizmatlariga xabar berish ishlarining bajarilishi ko'rsatib berildi.

Mashq rejasiga ko'ra, viloyat FVB va Sanitariya-epidemiologiya va jamoat salomatligi boshqarmasi xodimlari radiatsion xavfsizlik guruhi tomonidan noma'lum ionlashtiruvchi nurlanish manbasini aniqlash uchun tezkorlik bilan yetib

kelib, razvedka (kuzatuv) ishlari amalga oshirildi. Radiatsiyaviy ifloslanish o'chog'ini kengayishiga yo'l qo'ymaslik va tugatish ishlarini o'tkazish yuzasidan qabul qilish uchun takliflar ishlab chiqilib, noma'lum ionlashtiruvchi nurlanish manbasini zararsizlantirish ishlari amalga oshirildi.

Mashqning navbatdagi o'quv nuqtasida viloyat Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi RK va TBM guruhi tomonidan sanitar post tashkil etilib, radiatsiyaviy ifloslanish o'chog'ida ishlagan shaxsiy tarkib va texnikalar maxsus ishlovdan o'tkazildi.

F. SHAYMARDANOV,
Surxondaryo viloyati FVB JT va OAVBXQ guruhi yetakchi mutaxassisi.

J. VAPPAEV,
boshqarma bo'lim katta ofitseri,
katta leytenant.

"A'LOCHI XODIM" ANIQLANDI

Qashqadaryo viloyati FVB Sho'rtan Neftgaz qazib chiqarish boshqarmasi binolarida yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'limi tarkibidagi 36-, 37-, 38-6, 37-, 38-yong'in-qutqaruv qismlari harbiy xizmatchilari o'rtasida "A'lochi xodim" ko'rik-tanlovi o'tkazildi.



Mazkur ko'rik-tanlov jismoniy tayyorgarlik va saf tayyorgarligi me'yori, sport to'sinida tortilish, 3000 metr (1000 metr)ga yugurish, 100 metrga to'siqlar osha yugurish hamda ishg'ol qilish narvonida o'quv minorasining 4-qavatiga

ko'tarilish kabi bosqichlarda olib borildi.

Ishirokchilarning amaliy tayyorgarligi nafas olish yo'llarini himoyalovchi apparatlarda jangovar tekshiruv o'tkazish, ularning tuzilishi bo'yicha ishlab chiqilgan test sinovlari orqali aniqlandi.

Ko'rik-tanlov yakunida g'olib va sovrindorlarga esdalik sovg'alari topshirildi.

S. BOBOXONOV,
Qashqadaryo viloyati FVB Sho'rtan Neft-gaz qazib chiqarish boshqarmasi yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'limi, 38-qism boshlig'i, mayor.

BOLALAR UCHUN SABOQ

Andijon viloyati Shahrixon tumani FV bo'limi tomonidan yoz mavsumida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olish, cho'milishda xavfsizlik qoidalariga rioya etish, shuningdek, cho'kish bilan bog'liq baxtsiz hodisalarning oldini olish bo'yicha profilaktika-targ'ibot ishlari amalga oshirilmogda.



Xususan, tumandagi Beshariq bolalar oromgohida ko'rgazmali tadbir o'tkazilib, unda bevosita yoshlar ishtirokida amaliy mashg'ulotlar olib borildi.

Mazkur mashg'ulotlar davomida bolalar favqulodda vaziyatlar haqida ko'nikmalar hosil qilishib, tegishli xulosalar chiqarib oldilar.

S. ZULUNOV,
Andijon viloyati FVB OAV va JTBXQG boshlig'i, mayor.

J. SIDDIQOV,
Shahrixon tumani FV bo'limi boshligi o'rinbosari, podpolkovnik.

Pойтахтимизнинг Миробод туманидаги "УЗАЭРОНАВИГАЦИЯ" давлат унитар корхонаси ишчи-ходимларининг фавқулудда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга оид билим ва амалий кўникмаларини янада ошириш мақсадида, белгиланган ўқув дастурлари асосида ўқув машғулотлари мунтазам равишда олиб борилмоқда.

ҲАМКОРЛИКДА ЎТКАЗИЛДИ



Ушбу машғулотларда жамоа ва якка тартибда химоя воситаларидан фойдаланиш қоидаларини ўргатиш, бошқарувнинг барча даражадаги раҳбарларининг кўтқариш ишларини бажариш учун кучлар ва воситаларни тайёрлаш ҳамда уларни бошқариш кўникмаларини ошириш ва яна қатор вазифаларга асосий эътибор қаратилмоқда.

Навбатдаги ўқув машғулотида ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчилари томонидан "Фавқулудда вазиятларнинг турлари ва таснифи" ҳамда "Диққат ҳаммага!" огоҳлантирувчи сигналини бериш ва шахсий таркибнинг сигналга асосан ҳаракатланиш тартиби" мавзуларида маъруза ва суҳбатлар ташкил этилди.

Машғулот иштирокчилари мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олиб, фавқулудда вазиятларда ҳаракат қилишга оид билимларини яна бир қарра мустаҳкамладилар.

ШУҲРАТ ТУРДИЕВ,
ФВВ Академияси ҳузуридаги ФМИ катта ўқитувчиси.

"Навоий кон-металлургия комбинати"га қарашли Самарқанд вилояти "Каттақўрғон" туманида жойлашган "Суғдиёна" болалар соғломлаштириш оромгоҳида айни мавсумда 500 нафарга яқин болажон мириқиб ҳордиқ чиқармоқда.

ДАМ ОЛИШ МАСКАНИДА



ФВВ НКМК Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази ва унга қарашли бўлимнинг масъул ходимлари ҳамда оромгоҳга бевосита жавобгар ходимлар ҳамкорлигида дам олиш масканининг етакчилари, тарбиячилари ва болажонлар иштирокида ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ҳаракатларига оид амалий машғулот ўтказилди.

Дастлаб ишчи-хизматчилар ётоқхонасида шартли равишда ёнғин келтириб чиқарилиб, инсонларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш амаллари бажарилди. Шундан сўнг оромгоҳда ҳар бир оила (отряд) ўз номини айтиб, маълумот берди. Биринчи босқич викторина тарзида савол-жавоблар билан бошланди, унда ёнғин, фавқулудда вазиятлар содир бўлганда, биринчи ёрдам кўрсатиш ва бошқа фавқулудда

ҳолатлар содир бўлганда болажонлар ўзларининг билим ва кўникмаларини назарий тарзда синаб кўришди. 2-босқичда зилзила содир бўлганда бинони тарқ этиш, 3-босқичда ёнғин содир бўлганда бинода эвакуация ишларини амалга ошириш, 4-босқичда болалар иштирокида содир бўлган ёнғинни бартараф этиш ва хавфсиз ҳудудга чиқиш, 5-босқичда сув кўпаяётган вақтда жабрланган одамларни кўтқариш ва биринчи ёрдам кўрсатиш, 6-босқичда "Кўтқарувчилар", "1050" ва "Қалқон" жамоаларига бўлиниб, ёнғин учирини жанговар кийимларини кийиш каби бир қатор қизиқарли ва эсда қоладиган ҳаракатлар амалга оширилди.

Машғулотда фаол иштирок этган болажонлар ва голиб бўлган иштирокчиларга НКМК ва мутасадди ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Абдурузиқ БҮРИЕВ,
НКМК Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази бўлим бошлиғи, подполковник.

Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
марказ гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

ҚОРАМОЛ ҚУТҚАРИЛДИ

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ФВ бўлимига "101" рақами орқали тумандаги "Маъмуробод" маҳалласи Ёшларобод кўчасидаги хонадонлардан бирида истиқомат қилувчи фуқаро томонидан мурожаат қилиниб, унинг бузоғи ҳовлидаги чуқурга тушиб кетганлиги айтилган.

Мазкур мурожаат юзасидан туман ФВ бўлими 16-ЁҚК шахсий таркиби айтилган манзилга зудлик билан етиб борди. Қўтқарувчилар томонидан олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида бузоқ талафотларсиз чиқариб олинди.

С.ЗУЛУНОВ, Андижон вилояти ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚГ бошлиғи, майор.
Б.ЯКУБОВ, бўлинма бошлиғи, майор.

ҲАЁТ УЧУН 21 СОАТ

6 ёшли болакай 25 метрлик
қудуқдан олиб чиқилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Келиб тушган хабарга асосан бошқарма Махсус вазифаларни бажарувчи минтақавий кутқарув отрядидан 1 та жанговар махсус техника ва 7 нафар шахсий таркиб, бошқарма бўйича масъул навбатчи ёрдамчиси капитан Б.Аҳмедов бошчилигидаги жанговар бўлинма соат 16:00 ларда воқеа жойига етиб борди. Воқеа жойи кўздан кечирилиб, разведка ишлари олиб борилди. Разведка ишлари натижасида боланинг тирик эканлиги аниқланиб, у билан мулоқотда бўлинди. Яшаш уйдан электр сим тортилиб, артезиан ичи туман электр тармоқлари корхонасидан авария-тиклаш бригадаси келгунига қадар ёритилди.

Штабга туман ФВДга кирувчи хизматлар жалб этилди. Шундан сўнг боланинг қандай ҳолатда қудуқда турганлиги тасвирга олинди, кутқарув ишларига киришилди. Дастлаб жабрланувчига туман тиббиёт бирлашмасидан тоза кислород етказиш учун 8 донна кислород баллони олиб келиниб, махсус шланг орқали

кислород билан таъминлаб турилди. Электр кабели қудуққа туширилиб, қудуқ туби ёритилди ҳамда ичкаридаги ҳарорат, намлик ҳисобга олиниб, болага яқин масофада электр лампочка орқали қудуқ тубидаги ҳарорат бир меъёрга сақланди. Амалий ишлар қилинаётган ҳудудда тунги вақтда ҳам кутқарув ишлари олиб борилиши инobatга олинди, ҳудуд туман электр тармоқлари корхонаси томонидан тўлиқ ёритилди. Қилинаётган ишлар билан бир вақтда биринчи етиб келган экскаватор ва погрузчик ёрдамида қудуқдан 2,5 метр масофа узокликда эҳтиёткорлик билан қазиш ишлари бошлаб юборилди.

Жабрланувчининг ваҳимага тушмаслиги учун унинг отасига психологик тушунтиришлар олиб борилди. Шундан сўнг у қудуқ тубидаги фарзанди билан мунтазам мулоқот қи-

либ, болакайга вақти-вақти билан сув ва қуруқ озиқ-овқат бериб турилди. Кутқарув ишлари самарадорлигини ошириш ва тезлаштириш мақсадида, кўшимча 2 та погрузчик ва 3 та экскаватор жалб қилинди.

Қазувчи техникалар ёрдамида артезиан қудуғига параллель равишда 12 метр чуқурликка қадар қавлаш ишлари олиб борилди. Тезкор штаб аъзолари ва маҳаллий аҳоли фикрлари тингланиб, артезиан қудуғи ва унинг атрофи пухта ўрганиб чиқилди ҳамда хонадон тепа адирликда жойлашганлиги, қазилаётган

Махсус вазифаларни бажарувчи минтақавий отряди кутқарувчиси Ойбек Ҳайдаров қудуққа тушишга тайёрланди ҳамда махсус кутқарув анжомлари ва арқонлар ёрдамида пастга туширилди. Тушиш жараёни 6 метр масофагача давом этди. Қудуқнинг торлиги сабабли кутқарувчи тепага қайтиб чиқарилди.

Шундан сўнг тезкор штаб аъзолари хулосасига кўра, жуссаси кичикроқ болани туйнукка туширишга келишилди. Унга кўра, ўзи ва отасининг розилиги билан тиббиёт ходимлари кўригидан ўтказилиб,



чуқурнинг яна 13 метр қазилиши ва ундан чиқадиغان тупроқ массасини хонадон томорқасига жойлаштириш имкони йўқлиги, ташувчи техникалар жалб қилинса, вақтдан йўқотилиши инobatга олинди, артезиан қудуғининг ўртасидан махсус туйнук очиш ва пастга тушиб, болани кутқаришга қарор қилинди.

Артезианга туйнук очиш ишлари 13 июнь кuni тахминан тунги соат 02:00 лар атрофида маҳаллий аҳоли ва ҳудуднинг тажрибали қудуқ қазувчи усталари ёрдамида қазиш ишларига жалб қилинган кутқарувчилар билан ҳамкорликда бошланди. Бунинг натижасида 2,70 метр масофадаги туйнук тахминан тонги соат 5:00 ларда 1x1 метр ўлчамда қазиб очилди. Яна бир бор боланинг ҳолати кузатилиб, тирикчилигига ишонч ҳосил қилинганча, туйнукдан биринчи бўлиб, вилоят ФВБ

соғлом деб топилган, кутқарувчилар томонидан дастлабки йўриқнома, тушунтириш ҳамда психологик ёрдам, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича тегишли кўрсатмалардан сўнг жуссаси кичик бўлган 5 нафар ёш болакай кутқариш ишларига жалб қилинди. 6 марта уришидан сўнг кўшни "Тарағай" МФЙ Тарағай қишлоғида яшовчи 2007 йилда туғилган, 109-сонли мактабнинг 9-синф ўқувчиси Озодбек Йўлдошев қақиртилди. У билан шахсан вилоят ФВБ бошқармаси бошлиғи ва Махсус вазифаларни бажарувчи минтақавий кутқарув отряди инструктор-кутқарувчилари томонидан кутқарув ишлари бўйича тегишли тушунча ва техника хавфсизлиги бўйича йўриқнома ўтказилиб, бўлажак ёш қаҳрамон фавқулдда вазиятда ҳаракатланишга руҳан тайёрланди ва унга қудуқ тубидаги



болажонни кутқариш кераклиги тушунтирилди.

Ўзаро келишиб олинганча, режа бўйича ишга киришилди. Биринчи уришида қудуқ тубидаги боланинг олдиғача борилди ва арқон боғлаш усулларида адашганлиги сабабли тепага чиқариш жараёнида жабрланувчининг баланд овозда бақиршидан кўрқиб кетган ёш қаҳрамон – Озодбек болани секин кўйиб, хавфсизлик таъминлагандан сўнг ташқарига чиқарилди.

Озодбекка яна бир бор таъкидланиб, унга зарур кўрсатмалар берилди. Иккинчи уришида қудуқ тубидаги боланинг олдиғача борилди. Бу сафар ҳаракатлар рисоладагидек бажарилди, кутқарув жараёнида махсус боғламлар ва кутқарув тизимидан фойдаланган ҳолда кутқарув ишлари тўғри кетма-кетликда ташкил этилди, кўрсатмаларга асосан ҳаракат қилинди ва нихоят, соат 10:25да, қарийиб 21 соат деганда, қудуқ тубида ҳаёт-мамот курашида бўлган мурғак қалбли Дониёр исмли болажон 25 метрлик чуқурликдан қуёшли замин бағрига тирик, соғ-омон ҳолда олиб чиқилди...

Болажонга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилиб, туман Марказий шифохонасига малакали шифокорлар томонидан тиббий кўрик ўтказиш учун юборилди. Ҳозирда унинг аҳволи яхши...

Бўлиб ўтган воқеа барчанинг юрагини ларзага солди. Қудуқ тубидан болажон эсон-омон олиб чиқилганда эса кўзлардаги афсус-надомат қувонч ёшларига айланди ва елкалар силкиниб, беихтиёр бўғиздан унсиз йиғи отилиб чиқди. Ҳа, бу

вақтда барча бирдек бахтиёр эди...

Ушбу кутқарув ишида уч-тўрт кишининг номини қаҳрамон қилиб кўрсатиш, бизнингча, тўғри эмас. Аслида ушбу кутқарув операциясида иштирок этган етти ёшдан тортиб, етмиш ёшгача бўлган инсоннинг барчаси – қаҳрамондир. Чунки қудуқ тубида порлаб турган митти қуёшнинг она заминга қайтарилиши ва яна порлаб туришининг ўзи бир бахт бўлса, мана шундай эзгу ва савобли ишга заррача бўлса-да ҳисса қўшган инсон ундан-да бахтли, унинг бажарган иши чинакам матонатдир.

Ўз навбатида, мазкур ишда камарбаста бўлиб турган барча инсонларга, мутасадди соҳаларнинг раҳбарлари ва ходимларига, маҳалла аҳлига, бугунги кунда соҳани ривожлантириш йўлида улкан ислохотларга раҳбарлик қилаётган ҳурматли Юртбошимизга, Фавқулдда вазиятлар вазири раҳбарияти ва шахсий таркибига чуқур миннатдорлик билдираюмиз.

Кутқарувчи акалари сафидан туриб, қаҳрамонлик кўрсатган ёш халоскор Озодбекка эса алоҳида раҳмат айтган ҳолда, "Баракалла Озодбек! Сен келажакнинг матонатли ва жасоратли кутқарувчисан!"-деимиз. Ёшлар орасида Озодбекдай мард, танти ва жасур йигитлар кўпайишидан умидворимиз...

Зулмат тубидан омон қайтган митти қуёш – Дониёржонга эса кўрган-кечирганинг шу бўлсин, умринг узок, толеинг порлоқ бўлсин дейимиз...

Ҳа, ўзбекистонлик кутқарувчиларнинг юзлари ёруғ бўлди. Улар Яратганнинг иродаси билан бор куч-имкониятларини ишга солдилар ва болажонни қудуқ тубидан соғ-саломат олиб чиқдилар. Шукурки, Марокаш давлатида бўлгани каби вазият кўнгилсиз ҳолатда яқун топмади...

Фарҳод МИРЗАЕВ,
Қашқадарё вилояти ФВБ
бошлиғи, полковник.

Баҳодир ВАЛИЕВ,
"Вазият" муҳбири.



ХАВФСИЗЛИК КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Жиззах вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоятнинг Арнасой ва Дўстлик туманларида бозор ва савдо марказларида, аҳоли кўп йиғиладиган масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, чўкиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва ғалла мавсумини беталафот ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, Дўстлик туманида жойлашган бозор ва савдо дўконлари ўрганилганда, ўтиш йўллари ўзбошимчилик билан турли маҳсулотлар билан тўсиб қўйилганлиги, юқори кучли электр симларини вақтинчалик ўтказиш билан боғлиқ кўплаб камчиликлар борлиги, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари шай ҳолатда эмаслиги маълум бўлди. Худди шунга ўхшаш ҳолатлар Арнасой туманида ҳам қайд этилиб, ёнғинга қарши сув манбалари сувсиз эканлиги аниқланди. Мазкур камчиликлар ҳақида бозор маъмурияти ва тегишли тадбиркорлик

субъектлари огоҳлантирилди. Камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаслик ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятларга сабаб бўлиши мумкинлиги тушунтирилди.

Соҳа ходимлари томонидан нафақат бозор ҳудудидаги, балки аҳоли яшаш жойларига яқин ҳудудлардаги ёнғинга қарши гидрантларнинг ҳам созлиги текширилди. Носоз ҳолатга келиб қолган сув манбалари аниқланиб, носозликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Шунингдек, соҳа ходимлари томонидан ариқ ва каналлар, бошқа гидротехник иншоотларда

тақиқланган ҳудудда ўзбошимчилик билан чўмилаётган болаларни аниқлаш ва чўкиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган рейд тадбирлари ўтказилиб, ўнга яқин вояга етмаган шахслар билан профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Мунир ЖУМАНОВ,
Дўстлик тумани ФВ
бўлими бошлиғи, майор.

Ином АМАНОВ,
Арнасой тумани ФВ
бўлими бошлиғи, капитан.

ТУШУНТИРИШ

“Фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар профилактикаси кўни” муносабати билан Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳудудидаги ўта муҳим, тоифаланган объектларда ёнғин ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тоифаланган объектларда ишчи-хизматчилар билан ўтказилган учрашув ва мулоқотлар давомида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ва ушбу тадбирларнинг аҳамияти кенг тушунтирилиб, ёнғинларга олиб келувчи омилларни бартараф этиш чоралари бўйича мунтазам равишда профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиш, бу борада бепарволик ва масъулиятсизликка йўл қўйишнинг аянчли оқибатлари бўйича батафсил тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

О. ВАЛИЖОНОВ,
Қибрай тумани ФВ бўлими
инспектори, катта сержант.

“Чоршанба — фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғинлар профилактикаси кўни” давомида ижтимоий соҳа объектлари, аҳоли яшаш хонадонлари ҳамда умумий овқатланиш жойларида газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши, ёнғинлар ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича ўрганиш ва тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ



Тадбирлар давомида фуқароларга ёш болаларни уйда қаровсиз қодирмаслик, газ жиҳозларидан тўғри фойдаланиш, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш бўйича зарур тавсиялар берилиб, эслатмалар тарқатилмоқда.

Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни ўз жойида бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Феруз ТОҲИРОВ,
Самарқанд шаҳар ФВ бўлими
инспектори, капитан.

МАҲАЛЛАДА ТАРҒИБОТ

Қарши тумани ФВ бўлими томонидан “Баттош” МФЙ аҳолиси иштирокида фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга оид профилактик тадбирлар амалга оширилди.

Мазкур тадбирлар давомида ёнғин хавфсизлиги қоидалари, газ ва электр энергиясидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этиш, уй бекаларининг маиший электр ва газ ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилишлари лозимлиги ва яна қатор масалалар юзасидан фуқароларга тушунтириш ҳамда тавсиялар бериб ўтилди.

Ушбу тадбирлар жойларда давом эттирилмоқда.

Қ. ҚОРАҚУЛОВ,
С. НАРЗУЛЛАЕВ,
Қарши тумани ФВ
бўлими ходимлари.

Қамаши тумани ФВ бўлими томонидан сув ҳавзаларида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва чўкиш билан боғлиқ ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, руҳсат этилмаган жойларда фуқароларнинг чўмилишини чеклаш ҳамда сувда чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича тегишли хизматлардан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг фаолияти кучайтирилди.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ



Мазкур ишчи гуруҳлар томонидан тумандаги сув ҳавзалари ўрганиб чиқилиб, сувда чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар таҳлили амалга оширилди. Шунингдек, кўриқланмайдиган сув ҳавзаларида аҳолининг чўмилишига йўл қўймастик борасида тизимли равишда рейдлар олиб борилди. Рейдлар давомида аҳоли билан

суҳбатлар ўтказилиб, сувдаги бахтсиз ҳодисалар тўғрисида фуқароларга тушунчалар берилди ва мавзуга оид эслатмалар тарқатилди.

Айни пайтда чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар кўп кузатилаётган жойларда кузатув постлари ва жамоатчилик назорати ташкил этилган.

О. ҲУШВАҚОВ,
Қамаши тумани ФВ бўлими НТБ бошлиғи, капитан.
О. ЯРМАТОВ, етакчи мутахассис.

Ҳар кўни, албатта, хурсандчиликлар билан бирга дилни хира қилувчи хабарлар ҳам қўлоққа чалинади афсуски. Баъзи талафотлар табиий ҳолда рўй берса, баъзиларига ўзимизни лоқайдлигимиз сабаб бўлади. Ҳаётда содир бўлаётган даҳшатли фалокатлардан бири, шубҳасиз ёнғиндир.

ЁВУЗ ОФАТ

Тан олиш керак, олов ҳеч кимни ва ҳеч нимани аямайди. Ер юзида ҳар кўни содир бўлаётган ёнғинлар қанча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Соҳа ходимларининг бу борада тинимсиз олиб бораётган профилактик тадбирларига қарамасдан ёнғин ҳодисалари содир бўлмоқда. Шаҳримизда содир этилаётган ёнғинларни бартараф этиб, тан жароҳати олган инсонларга вақтида ёрдам қўлини ҳамisha чўзаётган инсонлар кўплаб топилди. Ҳаётда, нималар бўлмайди дейсиз?

Кези келганда айтиш керакки, айрим хонадонларда эрталаб ёқилган телевизор ёки компьютер оқшомда ўчирилади. Бундан ташқари, электр токидан бир вақтнинг ўзида қатор

ускуналар воситасида фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса электр ўтказгичларнинг зўриқишига олиб келади. Оқибатда электр ўтказгич тизимида турли носозликлар юзга келади.

Ўтказилаётган тадбирларнинг барчаси фуқароларимизнинг огоҳ, ҳушёр ҳамда доимо сергак бўлишга ундайди. Шунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига доимо риоя қилинса, содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай офатларнинг, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўламан.

Даврон РОҲАТАЛИЕВ,
Давлат бошқаруви академияси
биносида ЁХТТЭБ бошлиғи,
майор.

ЁНҒИН СОДИР БЎЛГАНДА

Ёнғин кутилмаганда содир бўлади ва тез авж олади. Шунинг учун уни бартараф этиш билан боғлиқ ҳаракатларни ҳар бир фуқаро билиши шарт ва зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда, барчамиз ёнғин хавфини сезганимизда, куйидагиларни бажаришга мажбур-миз:

зудлик билан «101» телефон рақами орқали Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ёнғин-қутқарув бўлимига хабар бериш, хабарда воқеа содир бўлган манзил, ёнғин чиққан жой ва ўзининг исми-шарифини айтиш;

одамларга хабар бериш ва уларни эвакуация қилиш чораларини кўриш;

имкон қадар мавжуд ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан ёнғинни ўчириш чораларини кўриш.

Ёнғин жойга етиб келган ташкилот раҳбари ёки маълум мансабдор шахс куйидагиларга мажбур:

одамлар ҳаётига хавф туғилган тақдирда, уларни мавжуд куч ва воситалар ёрдамида кутқариш чораларини кўриш;

зарур бўлганда электр энергиясини (ёнғинга қарши ҳимоя тизимидан ташқари) ўчириш, юкларни ташишга мўлжалланган мосламалар, агрегатлар, аппаратларнинг иш фаолиятини тўхтатиш, хом ашё, газ,

буғ ва сув коммуникацияларини ёпиб қўйиш, авария рўй берган ва унга туташ хоналарнинг шамоллатиш тизими ишини тўхтатиш, хоналар тутун билан қопланиши ва ёнғин тарқалишининг олдини олишга имкон берадиган бошқа чораларни кўриш;

ёнғинни ўчиришга қаратилган ишлардан ташқари, бинодаги барча ишларни тўхтатиш (агар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни бўйича мумкин бўлса);

ёнғинни ўчиришга жалб этилган ходимлардан ташқари барча ходимларни хавфли ҳудуд ташқарисига чиқариш;

ёнғин-қутқарув бўлимлари

етиб келгунга қадар (объектнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда) ёнғинни ўчиришда умумий раҳбарлик қилиш;

ёнғинни ўчиришда иштирок этаётган ходимлар хавфсизлик талабларига риоя қилишларини таъминлаш;

ёнғин ўчириш билан бир вақтда одамларни эвакуация қилиш ва моддий бойликларни ҳимоя қилишни ташкил этиш;

ёнғин-қутқарув бўлимлари кутиб олиш ва ёнғин содир бўлган жойга қисқа йўл билан олиб боришни ташкил этиш.

Ташкилот (объект) раҳбари (ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахс) ёнғин-қутқарув бўлимига ёнғинга етиб келиши

билан ёнғинни ўчириш раҳбарига ёнғин жойи ҳақида, хоналарда одамларнинг мавжудлиги, ёрдамга муҳтожлар ҳамда ёнғинни ўчиришга жалб этилганлар, сақланаётган ва ишлатилаётган моддалар, материаллар, маҳсулотларнинг миқдори ва ёнғинни ўчириш бўйича кўрилган чоралар ҳақида ахборот бериши керак.

Юқоридаги каби талаб-қоидаларга амал қилар эканмиз, ёнғин содир бўлганда, уни тезда бартараф қилиш ва шу орқали талафотларнинг олдини олишда кутилган натижаларга эришамиз.

Ш. ЭРКАЕВ,
“Ўзбекистон” халқаро
анжуманлар саройида ЁХТТЭБ
инспектори, майор.

Qashqadaryo viloyatining Qarshi shahar, Nishon, Yakkabogʻ, Chiroqchi, Gʻuzor, Mirishkor va Qarshi tumanlaridagi choʻmilish taqiqlangan manzillarda oʻtkazilgan oʻrganish va nazorat tadbirlarida 500 nafardan ortiq turli yoshdagi fuqarolarning choʻmilish holatlari aniqlandi.

NAZORATGA OLINDI



Tadbirda fuqarolarga taqiqlangan joylarda choʻmilishning ayanchli oqibatlarini xususida tushuntirish ishlari olib borilib, nazoratsiz yurgan 300 dan ortiq yosh bolalarning ota-onalariga

oʻz farzandlariga bie'tibor bo'lmaslik yuzasidan ogohlantirish berildi.

O'rganish va nazorat ishlari davomida qutqaruvchilar tomonidan ogohlilik chorlovchi eslatmalar tarqatildi.

Sohibjon VAYITOV,
Qashqadaryo viloyati FVB axborot xizmati boshligʻi, kapitan.
Mashrab AHMEDOV,
Qarshi shahar FV boʻlimi boshligʻi, podpolkovnik.

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

Чўмилиш тақиқланган сув ҳавзаларида фуқароларнинг чўкиши билан боғлиқ ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Оҳангарон тумани ФВ бўлими томонидан тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Хусусан, туман ҳоқими қарорига асосан бир қатор пост ҳамда йўналишларда дозор хизмати ташкил этилиб, фуқароларнинг сувда чўкиши билан боғлиқ ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш учун Оҳангарон дарёси бўйига 18 та, шунингдек, мавжуд каналларга жами 22 та "Чўмилиш тақиқланади" белгилари ўрнатилди.

Ушбу тадбирлар ҳозирда туман ФВ бўлими томонидан изчил давом эттирилмоқда.



Дилмурод НУРБОЕВ,
Оҳангарон тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан.

БОЛАЛАРГА БЕЗЪТИБОР БЎЛМАНГ!

Бугунги кунда ўқувчилар ёзги таътил даврини ўтказмоқдалар. Албатта, бундай дамларда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, назоратга олиш, нималар билан банд бўлишларига қатъий эътибор қаратишимиз лозим.

Болаларни назоратга олмас эканмиз, улар билан боғлиқ турли кўнгилсиз ҳодисалар юзага келиши мумкин. Ота-оналар болаларига вақт ажратиши, хонадонларида улар билан ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши, турли жойларга экскурсиялар уюштириши, рухсат этилган дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришларини ташкил қилишлари жуда муҳим.

Барча кўнгилсизликлар ва ёмон ишларнинг сабаби бекорчилик бўлиб, бу фарзандлар тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун болаларни турли ижодий ишларга сафарбар қилиш, одатлантириш ҳам қўтилган самараларни беради. Масалан, болалар билан биргаликда расм чизиш, турли буюмлардан ўйинчоқлар ясаш, китоб ўқиш ёки турли халқ ўйинларини ўйнаш каби машғулотлар уларнинг тафаккурини ўстириб, дам олиш онларини мазмунли ўтказишларига ёрдам беради.

Фарзандларни уй юмушларига ўргатишда, албатта, уларни ёнғин ва бошқа турли фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш, бу каби ҳолатларнинг олдини олишга одатлантирмоқ лозим.

Негаки, иссиқлик, электр ва газ мосламалари билан боғлиқ турли кўнгилсиз ҳодисалар кўп ҳолларда болаларни назоратсиз қолдириш ёки уларга нисбатан эътиборсизлик оқибатида юзага келади. Шундай экан, фарзандларимизга ҳамisha эътибор билан қарашимиз, уларнинг таълим-тарбияси масаласида доимо оғоҳ, ҳушёр бўлишимиз лозим.

Зеро, фарзандлар бизнинг келажагимиз, нурули эртаимиздир.

Раънохон НУГМАНОВА,
Янгийўл туманидаги 19-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

СУВДАГИ ХАВФСИЗЛИК

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани ФВ бўлими томонидан тумандаги сув ҳавзаларида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва сувда чўкиш билан боғлиқ ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.



Хусусан, тумандаги "Қууаниш жарма" ва "Есимузак" каналларидаги одамлар оммавий чўмилидиган жойларга тақиқловчи белгилар ўрнатилди. Шунингдек, туман ҳоқими томонидан

тасдиқланган ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда чўмилиш тақиқланган жойларда рейд тадбирлари амалга оширилмоқда. Мазкур тадбирлар давомида фуқароларга рухсат этилган ерларда чўмилиш лозимлиги тўғрисида тушунчалар берилмоқда.

А.АМИРХОНОВ,
Қораўзак тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, лейтенант.

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги "Қалдирғоч" ёзги соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳида шаҳар ФВ бўлими томонидан тарғибот тадбири ташкил қилинди.

ТАРҒИБОТ

Унда ёнғин-қутқарув иши бўйича махсус техника ва воситалар намойиш этилиб, болажонлар улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Тадбирда ёнғин содир бўлганда хонани тарқатиш усуллари болалар иштирокида ўйин тарзида ўтказилди.

Шунингдек, чўкиш билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилиб, чўкиш хавфи юзага келган инсонни қутқариш ва унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш амалда бажарилди.

Бу каби тарғибот тадбирлари вилоят бўйлаб давом эттирилмоқда.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.
Жаҳонгир КЕНЖАЕВ,
Янгиер шаҳар ФВ бўлими инспектори, лейтенант.

МАВСУМ ВА МАСЪУЛИЯТ

Хива шаҳар ҳудудидан оқиб ўтган "Оқёп", "Серчалли", "Хумруз" каналлари, "Ота ҳовуз" ва "Боғча ҳовуз", Хива тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи "Полвон", "Зей ёп", "Ғовук ёп" каналлари ҳамда Дустлик коллектори ён-атрофларида "ЧўМИЛИШ ТАҚИҚЛАНАДИ!" белгилари баннерлар ўрнатилди.

Ҳар куни гуруҳлар тузилиб, мазкур каналлар бўйида рейдлар ўтказиб келинмоқда. Афсуски, огоҳлантиришларга қарамасдан ёш болаларнинг чўмилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шунинг учун мутасадди хизматлар ҳамкорлигида маҳалла фуқаролари ва ёш болаларнинг ота-оналари билан тушунтириш ҳамда профилактика ишлари давом эттирилмоқда.

Шаҳар ва туман ҳудудларидаги ёзги дам олиш оромгоҳларида уларнинг ишчи-хизматчилари билан фавқулодда вазиятлар ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тушунтириш ва профилактика тадбирлар олиб борилмоқда. Оромгоҳ тарбиячиларига ўқувчиларни қаровсиз қолдирмаслик, улар сунъий сув ҳавзасида чўмилганда тарбиячилар назоратида бўлишлари лозимлиги эслатиб ўтилмоқда.

И.РАҲИМОВ, Хива тумани ФВ бўлими НТБ бошлиғи, оддий аскар.
Ф.САТТОРОВ, Хива шаҳар ФВ бўлими оддий аскар.

Ёшлар ўртасида юзага келаётган сувдаги ҳалокатларнинг аксарияти уларнинг назоратсиз қолдирилиши ва ўзбошимчаликлари оқибатида содир бўлмоқда.

ҲУШЁРЛИК ЗАРУР

Кейинги 5 йил давомида сувда чўкиб ҳалок бўлган ёшларнинг 90 фоизи ота-оналар томонидан назоратсиз қолдирилган ҳамда ўзбошимчилик билан белгиланмаган ва тақиқланган жойларда чўмилиши оқибатида содир бўлган. Асосан катта ёшдаги фуқароларнинг сувга чўкишларига уларнинг спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, маст ҳолда чўмилишлари сабаб бўлмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, республикаимиз бўйича сувдаги ҳалокатларнинг деярли 95 фоизи белгиланмаган ва чўмилиш рухсат этилмаган жойларда қайд этилган. Бу каби жойларга Чирчиқ шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи "Бўзсув", "Урта" ва "Куйи" деривацион каналлари, "Зах" ва "Катта Келес" каналлари қиради. Мазкур сув объектлари электр энергиясини ишлаб чиқариш учун ҳамда қишлоқ ҳўжалигига сув етказиб бериш мақсадида барпо этилган. Бу жойлар чўмилишга мўлжалланмаган. Чунки сув оқими жуда тез, баъзи жойларда кескин, чуқур, сувости номаълум жойлар мавжуд.

Фуқароларнинг эътиборсизлиги, бепарволиги сабаб вилоятимизда сувда чўкиб вафот этиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар юз бермоқда. Бу ўз навбатида барчамиздан огоҳлик ва ҳушёрликни орттиришни талаб қилади. Зеро, ўзимиз ва яқинларимизнинг хавфсизлиги, аввало, ўз қўлимизда эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Ф.МАҲМУДОВ,
Тошкент тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.

Наманган вилояти Норин тумани ҳудудидagi "Норин" болалар оромгоҳида дам олувчилар, тарбиячи ҳамда мураббийлар иштирокида кўргазмали семинар ўтказилди.

КЎРГАЗМАЛИ ТАРЗДА

Тадбир давомида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш, бирламчи ёнғин ўчириш анжомларидан тўғри фойдаланиш ва жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича тушунчалар берилиб, махсус техникалар ҳамда асбоб-анжомларнинг кўргазмали намойиши ташкил этилди.

Бекзод МАМАДАЛИЕВ,
Норин тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари в.в.б., капитан.

Бу қизик

БИЛАСИЗМИ, НЕГА?

НЕГА МАРСДА
КОМПАС ИШЛАМАЙДИ?

– Марс сайёрасида магнит майдонлари мавжуд эмас. Фақат кичик магнит аномалиялар мавжуд бўлиб, у ерда тортишиш кучи ердан 500 марта кучсизроқдир.

– Марснинг магнит зоналари ўта тартибсиз жойлашган бўлиб, буни жуда сезгир компаслар ҳам маълум бир географик йуналишни аниқлай олмайди.

НЕГА ИССИҚДА ҲАМ
ИССИҚ ЧОЙ ИЧАМИЗ?

Ёши катталардан сўраганимизда, бу саволга шундай жавоб беришади:

– Иссиқда иссиқ чой ичиш ота-боболаримиз даврида ҳам бўлган ва бу урф-одатлар халқимизда шу чоққача давом этиб келмоқда.

Илмий тарафдан эса, биз қуйидагича жавоб олдик:

– Иссиқ ичимлик ичганингизда терлайсиз ва баданнинг иссиғи тер билан чиқиб кетади. Демак, совиш учун иссиқ чой ичилади. Лекин бу биз учун рефлекс бўлиб қолган ва шунга асосан танамиз иссиқ чой ичишга эҳтиёж борлигини билдириб туради.

НЕГА ФУТБОЛ —
МИЛЛИОНЛАР ҲАМ?

– Мутахассисларнинг фикрича, футболнинг бу қадар ривожланиб кетишига асосий 4 сабаб бор.

Биринчи сабаб – футбол матчларини телевизорда кўриш қулайлиги.

Иккинчи сабаб – оддий болалар кўчада

ўйнаши учун фақатгина копток талаб этиладиган ўйин.

Учинчи сабаб – дунёда бу ўйин бўйича кўп-кўп халқаро ва минтақавий турнирлар ўтказилади.

Тўртинчи сабаб – футбол фақатгина битта ташкилотчи компания (ФИФА) асосида назорат қилинади.

НЕГА ТИШ ПАСТАСИДАГИ РАНГЛАР
ЎЗАРО АРАЛАШИБ КЕТМАЙДИ?

– Гап шундаки, тиш пастасидаги турли рангдаги пасталарнинг кимёвий таркиби озмоз бўлса-да турлича. Шу сабабли ҳам уларнинг зичлигида фарқ мавжуд бўлади ва сиз билдирган оқ, кўк, яшил каби ранглар аралашиб кетмайди.

Масрур САНАЕВ интернет материаллари
асосида тайёрлади.

FV da PSIXOLOGIK STRESS

Baxtsiz hodisalar va falokatlar paytida odam kuchli hissiy hayajonni boshdan kechiradi, bunga psixologik barqarorlik, qat'iyatlilik, mahorat va jabrlanganlarga yordam berish istagi yordam beradi.

Tegishli psixologik tayyorgarlikka ega bo'lmaganlar uchun kuchli qo'rquv hissi va yaqinlashib kelayotgan xavfdan yashirinish istagi bor, psixologik zarba ham paydo bo'lishi mumkin, bu harakatsizlikni keltirib chiqaradi, odam normal fikrlash va his-tuyg'ularini nazorat qilish qobiliyatini yo'qotadi.

Odamlar bir qancha sabablarga ko'ra, shunday yo'l tutishadi: ular xavfning to'satdan paydo bo'lishidan va tajribasizligi hamda tegishli ma'naviy-psixologik tayyorgarlikning yo'qligi tufayli unga qarshi tura olmaslikdan qo'rqishadi. Salbiy ta'sirni minimallashtirish uchun odam favqulodda

vaziyatlarga oldindan tayyorlanishi, psixikani jilovlashi va irodasini o'rgatishi kerak. Ko'pincha odamning yaqinlashib kelayotgan xavfga birinchi munosabati qo'rquvdir. Qo'rquv hissi salbiy his-tuyg'ularni keltirib chiqaradi, shu bilan birga, qo'rquv o'zingizni himoya qilishingiz kerakligini anglatadi, chunki inson oldida turgan asosiy vazifa uning hayotini saqlab qolishdir.

Shuni yodda tutish kerakki, har qanday favqulodda vaziyatda odamlarning psixologik tayyorgarlik darajasi eng muhim omil hisoblanadi. Agar biror kishi alohida vaziyatga tushib qolsa, qo'rqib ketgan va o'zini yo'qotgan bo'lsa, bu o'z-

o'zidan og'ir va tuzatib bo'lmaydigan oqibatlariga olib kelishi mumkin. Shuning uchun ekstremal vaziyatlarda inson xatti-harakatlari psixologiyasini o'rganish juda muhimdir.

Inson o'zini topishi mumkin bo'lgan maxsus sharoitlar, qoida tariqasida, unga psixologik va hissiy taranglikni keltirib chiqaradi. Natijada, ba'zilar uchun bu ichki hayotiy resurslarni safarbar qilish bilan birga kechadi; boshqalarda - mehnat qobiliyatining pasayishi yoki hatto buzilishi, sog'lig'ining yomonlashishi, fiziologik va psixologik stressli hodisadir.

Shuning uchun ham, barchamiz favqulodda vaziyatlar oqibatida olingan stress hodisalarini yengish va bu boradagi bilimlarimizni doimiy ravishda mustahkamlab borishimiz zarur.

O.ZIYODULLAYEV,
Buxoro viloyati FVB boshlig'i
o'rinbosari, podpolkovnik.



Қалби қайноқ, зиё улашувчи ижодкор, маънавият ва маърифатимизнинг ҳақиқий тарғиботчиси Мансур Инъом шу кунларда кутлуғ 70 ёш остонасида турибди.

Ўз навбатида, адабимизга узоқ ва сермазмун умр тилаймиз. Устоз ҳали жуда кўп халқона ва самимий, келажакка ёруғ юз билан кириб борадиган асарлари билан китобхонларни шод қилади, дея умид қиламиз.

Жамила ШАРОПОВА, Чуст туманидаги
30-мактаб тарғиботчиси.

ИБРАТЛИ ИЖОД

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адиб ва журналист Мансур Инъомни наманганликлар “Сирларимни ёйма оламга”, “Ёд этингиз камтарин Чустийни ҳам”, “Садоқат боғи”, “Орзулар гулдастаси” ва яна бир қатор асарлари орқали яхши танишади.

Мансур Инъом асарлари ҳаётини воқеликка асосланган бўлиб, улар ёзувчининг ўта синчков, кузатувчан шахс эканидан далolat беради. Унинг асарлари билан танишган одам ҳаётни янада чуқурроқ ўрганади, пасту баландликдан иборат йўл эканини ҳис қилади, муаллифнинг жонли тасвирларида ўз ҳаёти билан уйғун бўлган қандайдир ўхшаш чизгиларни кўради.

Қаҳрамонимиз тадқиқотчи-ижодкор сифатида 1999 йилда филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов бошчилигидаги бир гуруҳ таниқли олимлар билан бирга “Бобур юрган йўллардан...” номли экспедицияда фаол қатнашади, ўрганишлари натижаси ўлароқ республика газети ва журналларида бир қатор илмий-оммабоп мақолаларини эълон қила-

ди. Шундан сўнг адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги “Бобурнинг кабутарлари”, “Нажот чорбоғи” қиссаларини китобхонларга тақдим этади.

Ижодкор изланишдан тўхтамайди. Ёшлар иқтидорини қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган ишлари ҳам ибратлидир. 2021 йили унинг раҳбарлигида ташкил топган “Чустий” нашриёти туманидаги ёш ижодкорлар асарларини чоп этиб келмоқда.

Ижодкор Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси томонидан эълон қилинган “Посбониман муқаддас юртнинг” танловининг Республика босқичида “Ёди ўчмас одамлар” деб номланган асари фахрли учинчи ўринни эгаллаб, махсус диплом билан тақдирланди.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқулodда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЮНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи
Б.ВАЛИЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Катта дархон, 20-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6880 нусха